

Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-сентябрь ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 1 795,0 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 90,9 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	Якунга нисбатан фоиз хисобида
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1 795,0	90,9	100,0
шу жумладан			
Марказлашган инвестициялар:	223,5	53,1	12,5
бюджет маблағлари	139,5	69,7	7,8
давлат мақсадли фонд маблағлари	-	-	-
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	-	-	-
бюджетдан ташқари фонdlар	71,0	51,7	4,0
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	13,0	20,4	0,7
Марказлашмаган инвестициялар	1 571,5	101,1	87,5
корхоналарнинг ўз маблағлари	574,8	132,8	32,0
аҳоли маблағлари	554,2	96,2	30,9
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	124,4	56,9	6,9
тижорат банк кредитлари ва бошқа	318,1	90,9	17,7
карз маблағлари			

2017 йил январь-сентябрда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:


	жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	1795,0	245,4	1549,6
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
курилиш-монтаж ишлари	59,4	67,4	58,1
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	35,6	29,2	36,6
Бошқа ҳаражатлар	5,0	3,4	5,3

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-сентябрь ҳолатига нисбатан курилиш-монтаж ишларнинг улуши 3,2 фоизли пунктга ҳамда бошқа ҳаражатларнинг улуши 2,2 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши эса 5,4 фоизли пунктга кўпайган.


Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қўйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

Январь-сентябрь
2016 й.



Январь-сентябрь
2017 й.



- Уй-жой курилиши
- Ишлаб чиқарадиган саноатда
- Электр, газ, бут билан таъминлаш ва ҳавони кондиционлашда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш
- Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигидан
- Ташини ва сакланашда
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишланиш
- Курилиши
- Профессионал, илмий ва техник фаолият
- Бошқа турдаги хизматлар кўрсатилиши
- Соғлиқни сакланаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатилиши
- Бошқа фаолият турлари

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-сентябрь ойларида умумий майдони 886,0 минг кв.м. бўлган 7114 та (2016 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 103,5 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 789,1 минг кв.м. (115,6 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 881,5 млрд. сўми ёки 34,5 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-хунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари қурилишида 33,5 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 3,8 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 73,0 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш обьектларини қуриш ва реконструкция ишларида 25,7 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди. Бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 2,9 фоизини ва соғлиқни сақлаш соҳасига киритилган инвестицияларнинг 42,4 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 241,8 км. узунликдаги ичимлик суви, 28,4 км. узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди. Бу 2016 йил январь-сентябрь ҳолатига нисбатан мос равища 128,7 ва 77,4 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари хисобига 11 196,0 млн.сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 895,6 млн.сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2017 йил январь-сентябрь ойларида 1 654,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 104,0 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 79,3 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 9,5 фоизи фуқаролик қурилиши обьектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 11,2 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмидан 77,2 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1 610,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 97,4 фоизни (2016 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 111,1 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қўйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

